

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

“ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ” кафедраси

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРГА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР
КИРИТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Фуқаролик ҳуқуқий
фаолият” йўналиши талабаси Бўтаев
Жасур Рахматиллаевич

Илмий раҳбар: “Фуқаролик
ҳуқуқи” кафедраси доценти,
ю.ф.д., доц. **Имомов Нурилло
Файзуллаевич**

“___” _____ 2017 йил

“___” _____ 2017 йил

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённома “___” _____ 2017 йил.

ТОШКЕНТ – 2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3-8
1-Боб. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий тавсифи.....	9-33
1.1. Эркин иқтисодий зоналар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.....	9-20
1.2. Эркин иқтисодий зоналар муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асосларига умумий тавсиф.....	21-33
2-Боб. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишга оид шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар.....	34-64
2.1. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестиция киритишнинг шартномавий тартиби.....	34-44
2.2. Эркин иқтисодий зоналарга муддати инвестиция киритиш шартномасининг субъектлари ва объектлари, шартноманинг мазмуни.....	44-56
2.3. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....	56-64
Хулоса.....	65-66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67-74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Давлат ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзаро таъсирининг самарали ривожланиши мамлакатимиз иқтисодий сиёсатини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда мамлакат илмий-техника салоҳиятини мустаҳкамлашда миллий ва хорижий инвесторлар инвестиция фаоллигини оширишга, иқтисодий инфратузилмаларни ва экспортга мўлжаллаган ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Демак, давлат томонидан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиши, хусусан, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири саналади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида қулай шарт-шароитлар яратилган.

Ҳозирда эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли бу борадаги долзарб масалалар сифатида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш;

маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган

юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

эркин иқтисодий зоналарда “ягона дарча” тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

Ҳозирда Ўзбекистонда Ангрен, Жиззах, Навоий, Ургут, Қўқон, Гиждувон, Ҳазорасп каби эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, улар фаолиятини тартибга солишга бағишланган махсус қонун – “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун ҳамда бир қатор қонун ҳужжатлари амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришга оид аниқ вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да қайд этилишича, фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий

зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда Ҳаракатлар стратегиясида АКТ ва дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ташкилий, технологик ва иқтисодий шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, “эркин иқтисодий ҳудуд” мақомига эга бўлган, яъни барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилган ҳамда махсус валюта ва божхона тартиби асосида иш юритадиган инновация марказини ташкил этишни назарда тутилган.

Юқоридаги ҳолатлар эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асослари мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Ишнинг амалий аҳамияти ва муаммолари. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини норматив-ҳуқуқий таъминлаш кўлами ниҳоятда кенг бўлиб улар ушбу ҳудудда хўжалик фаолиятини кўрсатувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айниқса тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратишни тақазо қилади. Бу ҳолат қатор назарий масалаларни хусусан, эркин иқтисодий зоналар тушунчаси ва мазмунини тўғри талқин қилиш, солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларнинг афзалликларини кўрсатиб бериш, эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатиш жараёнида тадбиркорлик субъектлари томонидан тузиладиган шартномавий муносабатларни таҳлил қилиш, эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатувчи резидентлар ҳуқуқий мақоми ўзига хослигини ва ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларини бажариш ҳуқуқий воситаларини тадқиқ этишни вазифа қилиб қўяди.

Давлат бош ислохотчи сифатида маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам бериш, барча мулк шакллари, тадбиркорлик субъектларини эркин ҳаракатини кафолатлаш орқали кичик ва йирик бизнесга жамиятда ишлаб чиқариш ишлар бажариш ва хизматлар курсатишга кенг йул очиб бермоқда.

Айнан қайд этиган мулоҳазаларнинг исботи сифатида мамлакатимиз худудида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига кенг йўл очиб берилади. Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвесторлари жалб этилади. Мамлакатнинг тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш потенциали кенгайтирилади, иқтисодиёт ривожлантирилади ва юқоридагиларнинг махсули сифатида фуқароларнинг турмуш тарзи яхшиланади.

Республикамызда мавжуд хўжалик юритувчи субъектлари жаҳон бозорига ўз товар ва хизматлари билан чиқиши лозим, бу мамлакат иқтисодий ривожининг асоси бўлиши табиий албатта. Республикамыз иқтисодиётига хорижий сармояларнинг ва чет эллик сармоядорларни кўплаб жалб этишда эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, ташқи олам билан бўладиган эркин муомалани йўлга қўйишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни бенихотда катта. Уларни ташкил этилиши илмий-техник ва ишлаб чиқариш борасида ҳамда илмий - амалий соҳадаги кадрларни халқаро иқтисодий ҳамкорлик талаблари асосида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини янада ошириш зарурияти мавжуд. Шу боис хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ўз ҳудудий хусусиятларимиздан келиб чиқиб мукаммал ва батафсил қоидалар асосида эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш, уни амалиётда қўллаш жўғрофияси доирасини янада кенгайтириш мақсадага мувофиқ.

Ишнинг мақсади хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ишончли механизмларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари ва усулларини ўрганиш ва шу асосда хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг вазифалари:

- эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий тавсифини таҳлил этиш;
- эркин иқтисодий зоналар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;
- эркин иқтисодий зоналар муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асосларига умумий тавсифини баён этиш;
- эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестиция киритишнинг шартномавий тартибини ёритиш;
- эркин иқтисодий зоналарга муддати инвестиция киритиш шартномасининг субъектлари ва объектлари, шартноманинг мазмунини таҳлил қилиш;
- эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Иш предметини эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ташкил этади.

Иш объекти **мулк** эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, беш параграфни бирлаштирган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-Боб. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар

киритишнинг ҳуқуқий тавсифи

1.1. Эркин иқтисодий зоналар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Замонавий бозор муносабатлари шароитида ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришда асосий омил сифатида тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар ва имтиёзлар бериш, уларнинг иш фаолиятига ортиқча аралашишлар ва турли маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўлла-қувватлашнинг ҳуқуқий воситаларини жорий этиш йўли билан тадбиркорлик ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, тадбиркорлик ривожлантиришда дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан ўтган ҳамда кенг қўлланилаётган синалган усул ва воситалар амал қилади. Бунда кўп давлатлар асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратишса, бошқа давлатларда йирик тадбиркорлик тузилмаларни ташкил этиш орқали иқтисодий юксалишга интилиш кузатилади. Шунингдек, айрим давлатлар ўз иқтисодиётларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида чет эл инвестицияларни киритиш ҳамда тадбиркорликнинг барча тузилмалари учун турли имтиёзларни жорий этиш йўлидан боришса, бошқа бир гуруҳ давлатлар тадбиркорликни ташкил этишнинг соддалаштирилган тартиботларини белгилаш йўли билан бизнесни ривожлантиришга ҳаракат қилишади. Албатта, мазкур усуллар ҳар бир давлатнинг ички имкониятлари ҳамда шу давлатда шакллантирилган ишбилармонлик муҳити ҳамда мавжуд иқтисодий омиллар ҳам бошқа ижтимоий ҳолатлар билан боғлиқ.

Бироқ жаҳон бизнесни ташкил этиш амалиётида ўзига хос ўринга эга бўлган ва деярли барча давлатлар учун иқтисодиётни ривожлантиришнинг, тадбиркорликни кенгайтиришнинг энг синалган воситаларидан бири

сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш эътироф этилади.

Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ташкил этиш йўли билан тадбиркорлик фаолияти учун айтиш мумкин бўлса “чексиз имконият ва ўзига хос эркинлик” яратилади. ЭИЗларда тадбиркорлик фаолияти учун турли ортиқча расмиячиликлар, ҳисоботлар ва қайдлар, ўринсиз тўловлар ва бошқа шу каби муайян маъмурий тўсиқлар амал қилмайди ва шу сабабли ҳам тадбиркор учун бизнесни амалга оширишнинг энг мақбул жойи бу – ЭИЗлар ҳисобланади.

ЭИЗ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган алоҳида махсус ҳудуд бўлиб, бу ҳудудда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан белгиланган одатдаги маъмурий талаб ва таомиллар амал қилмайди. Шунингдек, ЭИЗ тадбиркорлик учун мамлакат ички ва ташқи ҳудудидаги бизнес алоқалар учун қулай ва мақбул режимлар амал қилиши билан ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун фойдали ва даромадли “лойиҳа” ҳисобланади. ЭИЗда тадбиркорликни амалга оширишнинг давлатда тадбиркорлик фаолияти учун ўрнатилган умумий тартиб асосида тадбиркорликни амалга ошириш билан нисбатини қўйидаги қиёслама таҳлилда кўриш мумкин:

№	ЭИЗда тадбиркорликни амалга ошириш	Умумий тартибда тадбиркорликни амалга ошириш
1.	Алоҳида ҳуқуқий тартиботлар амал қилади: Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари,	Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 9-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тўққизта

	молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бошқача тартибот ўрнатилиши мумкин (ЭИЗ тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси)	алоҳида мажбурияти кўрсатиб ўтилгани ҳолда, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкинлиги назарда тутилган
2.	Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлари ва имтиёзларига риоя этилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар назарда тутилиши мумкин (ЭИЗ тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисми).	Умумий тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кафолатлар умумий тарзда қонун ҳужжатларида белгиланиши назарда тутилган. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида белгиланган умумий кафолатлар тизими муайян истиснолар ҳамда тегишли фаолият туридан келиб чиқиб назарда тутилади.
3.	Эркин иқтисодий зонага чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, иқтисодий зонадан чиқиши ва шу ҳудудда бўлишининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган соддалаштирилган тартиботи жорий этилиши мумкин (ЭИЗ тўғрисидаги	Тадбиркорликни умумий амалга оширишда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий тартиботга амал қилиши билан бирга, уларнинг Ўзбекистон ҳудудида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни ҳам тақдим этиш талаб этилади.

	қонуннинг 18-моддаси).	
4.	Эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтади. Эркин иқтисодий зона ташкил этилиши пайтида унинг ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар дирекцияга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини тақдим этади. Дирекция рўйхатдан ўтказилган юридик ёки жисмоний шахсга эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар қилади (ЭИЗ тўғрисидаги қонуннинг 25-моддаси биринчи-учинчи қисмлари).	Умумий тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан “бир дарча” принципи бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (қонуннинг 13-моддаси биринчи қисми).
5.	Эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (юридик ва жисмоний шахслар) мамлакат инвесторлари ва чет эллик инвесторлар учун тенг шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда	Умумий тартибда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган субъектлар эса, инвесторлар учун белгиланган солиқ имтиёзларидан эмас, балки қонунчиликда назарда тутилган умумий

	қонун ҳужжатларида белгиланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланади.	имтиёзлар ва переференциялардан фойдаланиладилар.
6.	Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно (ЭИЗ тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси иккинчи қисми).	Умумий тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларга нисбатан бу қоида умумий тарзда “қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш” ҳуқуқи сифатида белгиланади (қонуннинг 8-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошиси).

Таъкидлаш лозимки, ЭИЗ тушунчаси ва у билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 220-I-сон қонуни 1-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга биноан, Эркин иқтисодий зона — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Мазкур таърифдан ЭИЗларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ташкил этишнинг асосий мақсади — минтақани жадал ижтимоий иқтисодий ривожлантириш ҳисобланади;

2. Асосий мақсадга эришиш воситалари: а) мамлакат капиталини жалб этиш; б) чет эл капиталини жалб этиш; в) истиқболли технологияларни киритиш; г) илғор ва замонавий бошқарув тажрибасини жорий этиш;

3. Ташкил этилиш жойи – аниқ белгиланган маъмурий чегараларга эгаллиги;

4. Алоҳида ҳуқуқий тартибот жорий этиладиган махсус ажратилган ҳудуд.

Қонунда ЭИЗга берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда унинг қисқача таърифи сифатида “Эркин иқтисодий зона – аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир”, деган қонидани киритиш мумкин. Бинобарин ЭИЗнинг моҳиятида икки ҳолат: аниқ белгиланган маъмурий чегаралар ҳам алоҳида ҳуқуқий тартибот учун махсус ажратилган ҳудуднинг жорий этилишида ифодаланади.

Юридик адабиётларда ҳам ЭИЗнинг туб моҳиятида тадбиркорлик фаолияти учун мақбул шароитларни яратиш ётиши таъкидланади. Жумладан, С.И Бахтиннинг фикрича, ЭИЗ давлат маблағларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини шакллантиришда фойдаланиладиган самарали восита ҳисобланади. Бунда бюджет қўшимча жалб этилган инвестициялар ва бошқа тушунмлардан тўлдирилса, тадбиркорлар ўз фаолиятини нисбатан жозибалироқ шароитлардан амалга ошириш имкониятига эга бўладилар¹.

Х.Т.Азизовнинг фикрича, эиқтисодий зоналар қабул қилаётган мамлакат ўз иқтисодиётига илғор технология, валюта киримлари шаклидаги чет эл сармояларини жалб қилиш, замонавий инфра тузилмасини яратиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, қолоқ ҳудудларни жадал ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш, шунингдек

¹ Бахтин С.И. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в свободных экономических зонах России и оффшорных зонах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006. – 3 с.

иқтисодиётни бошқариш соҳасида ва замонавий халқаро тадбиркорлик соҳасидаги илғор халқаро тажрибага эга бўлиш мақсадида ташкил этилади¹.

Д.А.Благовнинг нуқтаи назарича, ЭИЗ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг алоҳида мустақил шакли ўзида ифодалайди ва ЭИЗни ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усуллари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мулкӣ асосларини шакллантириш, иштирокчиларнинг ҳуқуқӣ ҳолати билан боғлиқ бўлади².

Фикримизча, ЭИЗларни ташкил этишдан асосий мақсад энг аввало мамлакат муайян минтақасини иқтисодий-ижтимоӣ ривожлантириш ҳисобланади ва ана шу мақсадни амалга ошириш учун махсус ҳуқуқӣ тартибот амал қиладиган махсус ҳудуд ажратилади. ЭИЗда яратилган алоҳида ҳуқуқӣ тартибот тадбиркорлар ва инвесторларни ушбу ҳудудга маблағ киритиш орқали бизнесни амалга ошириш учун жозибадорликни ҳосил қилади ва шу йўл билан юқоридаги муаллифлар таъкидлаганларидек, давлат ва тадбиркорлик тузилмалари учун муайян даромад олишнинг қўлай муҳити амал қилади.

ЭИЗларнинг моҳиятини тавсифловчи бир қатор белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкинлиги борасида юридик адабиётлар бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, Н.Г. Швыдак ЭИЗнинг қуйидаги умумий белгиларини ажратади: 1) имтиёзли божхона режими ва чегарани кесиб ўтишнинг соддалаштирилган тартиби; 2) товарларни экспорт ва импорт қилишда квоталар ва лицензиялардан озод қилиниш; 3) бартер ва воситачилик операцияларга нисбатан чеклашларнинг бекор қилинганлиги; 4) айрим

¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. //Х.Р.Раҳмонқулов ва бошқ. /Х.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2002. – 196 б

² Благов Д.А. Правовое регулирование отношений в сфере осуществления предпринимательской деятельности на территории особых экономических зон Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.:2010. - 9 с.

солиқлардан озод этилиши; 5) хорижий валютанинг резидентлар тасарруфида қолдирилиши; 6) солиқ (бюджет) кредитларининг тақдим этилиши¹.

И.Н.Лебединецнинг назарида ЭИЗлар ҳудудида хорижий капитални жалб этишнинг алоҳида шароитлари амал қилади ва шу боис қуйидагилар ўрнатилади (бирок бу ҳолатлар мутлақлик тусига эга бўлмайди): 1) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби; 2) шу турдаги корхоналарга нисбатан имтиёзли солиқ режими; 3) ер ва бошқа табиий бойликларга нисбатан пасайтирилган аренда тўловлари; 4) алоҳида божхона режими; 5) чет эл фуқаролари учун мамлакатга кириш ва чиқишнинг соддалаштирилган тартиби, шу жумладан визасиз режимнинг амал қилиши².

Н.А.Черкасовнинг қайд этишича ЭИЗ амал қилишининг умумий тамойилларига қуйидагилар киради: 1) зоналарда иқтисодиётнинг, шу жумладан экспорт-импорт операцияларининг мустақил бошқарилиши; 2) товарлар ва хизматларнинг бож тўловларисиз импорт қилиниши; 3) экспорт солиқларидан озод қилиниши; 4) ер учун имтиёзли тўлов; 5) тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли солиқ режими; 6) хорижий капиталнинг фаол жалб этилиши, шу жумладан хорижий банклар ва компанияларнинг филиаллари очилиши³.

ЭИЗ ҳудудида резидентлари бошқа шахсларга нисбатан қўшимча имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланадилар⁴. В.М.Шумилов имтиёзларни қуйидаги тўрт гуруҳга ажратади: божхона (ташқи савдо), солиқ, молиявий ва маъмурий⁵.

М.М.Богуславский эса ЭИЗдаги имтиёзлар жумласига қуйидагиларни киритади: 1) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан

¹ Швыдак К. Правовое регулирование хозяйственной деятельности в свободных экономических зонах // Право и экономика. 1994. N 17/18. С. 90 - 91.

² Лебединец И. Н. Международно-правовые гарантии иностранных инвестиций: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1997. С. 38 - 39.

³ Черкасов К. А. Свободные экономические зоны и зоны свободного предпринимательства в стратегии интеграции стран - участниц СНГ // Журн. рос. права. 1999. N 9. С. 139.

⁴ Лисица В. Н. Правовой режим осуществления предпринимательской деятельности в особой (свободной) экономической зоне // Российский юридический журнал. 2010. - № 5. – С. 35.

⁵ Шумилов В. М. Международное публичное экономическое право: Учеб. пособие. М., 2001. С. 79.

ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби; 2) имтиёзли божхона режими; 3) ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишнинг пасайтирилган ставкалари; 4) алоҳида божхона режими; 5) чет эл фуқароларининг мамлакатга кириш ва чиқишларига нисбатан соддалаштирилган тартиби¹.

ЭИЗга инвестиция капиталини киритадиган корхоналарга махсус имтиёзли божхона, молиявий, солиқ ва бошқа шароитларнинг тақдим этилиши бир қатор тадқиқотчилар томонидан ҳам билдирилган (М. М. Амирханов, П. Н. Зубов, Нгуен Тхань Бинь, Ю. А. Чернявская ва бошқала)².

ЭИЗнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини мутахассислар қайд этишади: 1) максимал компакт (ихчам) ҳудуд (Р.Ф.Кабиров)³; 2) зонани бошқаришнинг ихчам, нисбатан мустақил тизими ва кенг иқтисодий жабҳада мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги(О.А.Ковалевская, В.Моргачев, К.В.Павлов, Л.Н.Рубцова, Ю.А.Чернявская)⁴; 3) давлат бошқаруви ва ички маъмурий бошқарувнинг соддалаштирилганилиги (М.М.Амирханов, Ю.А.Барзыкин, П.П.Чуваткин ва бошқалар)⁵; 4) рухсатномалар ва олиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши учун “бир дарча” тамойилининг амал қилиш (Д.Мадани)⁶; 5) марказий давлат ҳокимияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши (О.А.Ковалевская, К.В.Павлов, Л.Н.Рубцова, Ю.А.Чернявская)⁷; 6) зоналарнинг барча учун очиклиги (Р.Ф.Кабиров)⁸; 7) ЭИЗ барча

¹ Богуславский М. М. Международное частное право. М., 2012. - С. 205.

² Зубов П. К. Административно-правовые основы деятельности органов внутренних дел в условиях свободных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1995. С. 13; Нгуен Тхань Бинь. Опыт и перспективы функционирования свободных экономических зон (на примере Китая и Вьетнама): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2002. С. 8 - 9; Амирханов М. М., Барзыкин Ю. А., Чуваткин П. П. и др. Свободные экономические зоны и развитие туризма. Сочи, 2006. С. 12; Чернявская Ю. А., Рубцова Л. Н. Место и роль особых экономических зон в современных условиях. Липецк, 2007. С. 11 - 12.

³ Кабиров Р. Ф. Теоретические основы создания и функционирования свободных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Уфа, 2007. С. 6, 16.

⁴ Чернявская Ю. А., Рубцова Л. Н. Место и роль особых экономических зон в современных условиях. Липецк, 2007. С. 11 - 12.

⁵ Амирханов М. М., Барзыкин Ю. А., Чуваткин П. П. и др. Свободные экономические зоны и развитие туризма. Сочи, 2006. С. 12

⁶ Madani D. A. Review of the Role and Impact of Export Processing Zones. Washington, 1999. P. 5; Idem. Export Processing Zones // PREM-notes. Economic Policy. 1998. N 11.

⁷ Чернявская Ю. А., Рубцова Л. Н. Место и роль особых экономических зон в современных условиях. Липецк, 2007. С. 11 - 12.

⁸ Кабиров Р. Ф. Теоретические основы создания и функционирования свободных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Уфа, 2007. С. 6, 16.

иштирокчиларининг, шу жумладан бутун зонанинг мустақиллиги ва ўзини ўзи молиялаштириши (Нгуен Тхань Бинь)¹; 8) ЭИЗ режимидан фойдаланишнинг ҳақ эвазига амалга оширилиши (М. М. Амирханов, Ю. А. Барзыкин, П. П. Чуваткин ва бошқалар)²; 9) зоналарнинг эксхудудийлиги (мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан иқтисодий нуқтаи назардан ҳудуднинг ўзига хослиги) (Р. Ф. Кабиров)³; 10) мақбул инвестиция муҳити; 11) зона ҳудудининг комплекс инфратузилмавий нуқтаи назардан қулайлиги; меҳнат кучидан фойдаланишнинг алоҳида режими мавжудлиги.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар у ёки бу даражада ЭИЗларни тавсифловчи белгилар ҳисобланади. Шунга қарамасдан ушбу жиҳатларнинг айримлари одатдаги тадбиркорлик фаолияти учун ҳам хос бўлган хусусият ҳисобланади (масалан, давлат томонидан тартибга солишнинг соддалаштирилгани ва “бир дарча” тамойилининг амал қилиши) ёхуд ЭИЗни ташкил этиш ва муваффақиятли амал қилиши учун зарар бўлган иқтисодий тусдаги шартларни ифода этади. Иқтисодий тусдаги шартларга максимал даражадаги уюшқоқлик (ихчамлик), қулай инвестиция муҳити, зоналар ҳудудининг комплекс инфраструктурага эгаллиги ва шу кабилар киради. Олим (ҳуқуқшунос ва иқтисодчи) лар томонидан билдирилган фикрлар бир-бирига яқин бўлиб, асосан ЭИЗ иштирокчилари учун тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда алоҳида режим белгиланганлигини таъкидлайди.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг махсус ҳудуди сифатида эркин иқтисодий зоналарнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини шакллантириш мумкин:

1) солиқ солишга, энг аввало, ташкилотларнинг фойдаси ва жисмоний шахсларнинг даромадига нисбатан солиқларни тўлашга нисбатан имтиёзли режим; 2) товарларни мамлакатга олиб кириши ва олиб чиқишга нисбатан

¹ Нгуен Тхань Бинь. Опыт и перспективы функционирования свободных экономических зон (на примере Китая и Вьетнама): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2002. С. 8 - 9

² Амирханов М. М., Барзыкин Ю. А., Чуваткин П. П. и др. Свободные экономические зоны и развитие туризма. Сочи, 2006. С. 12; Чернявская Ю. А., Рубцова Л. Н. Место и роль особых экономических зон в современных условиях. Липецк, 2007. С. 11 - 12.

³ Кабиров Р. Ф. Теоретические основы создания и функционирования свободных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Уфа, 2007. С. 6, 16.

божхона тўловларини бекор қилиш ёки уларнинг миқдорини пасайтириш, экспорт ёки импортни нотариф чеклашларни бекор қилиш ёки пасайтириш; божхона чегараларидан товарларни олиб ўтишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи имтиёзли божхона режими (қоидага кўра, эркин божхона зоналарида); 3) одатда чет эл ва миллий валютанинг эркин муомаласи ва конвертациясини; валюта операцияларини амалга оширишга нисбатан чеклашларни бекор қилишини назарда тутувчи имтиёзли валюта режими; 4) банк фаолиятини тартибига солиш ва кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилишнинг соддалаштирилган тартиби; 5) омонатлар, ҳисобрақамлар, банк операциялари тўғрисидаги банк сирининг сақланиши; 6) ташкилот иштирокчилари ва унинг тижорат фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг махфийлиги ва тижорат сирининг сақланиши; 7) ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишга нисбатан миқдор ва бошқа чеклашларнинг бекор қилиниши; 8) инвестицияларни амалга оширишга нисбатан чеклашларнинг, шу жумладан, ташкилотларнинг устав капиталидаги иштироки; маҳаллий маҳсулотларни сотиб олиш мажбурийлиги; маҳаллий иш кучини жалб этишнинг мажбурийлиги; ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорти бўйича чеклашларнинг бекор қилиниши; 9) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкилотлари ва якка тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишнинг тезлаштирилган ва соддалаштирилган тартиби; 10) чет эл фуқароларнинг мамлакатга келиш, унда бўлиш (шу жумладан, ишга жойлашиш) ва ундан чиқишнинг соддалаштирилган тартиби; 11) бошқарувнинг муайян ваколатларига эга, ягона махсус ва мустақил маъмурий органи; 12) зоналарнинг мустақил бюджети; 13) имтиёзли шартлар асосида давлатнинг мол-мулкининг берилиши (хусусан, ер участкалари, нотузаржой бинолари, бюджет маблағлари); 14) чет эл инвестицияларини экспроприация (национализация, реквизиция ва шундай оқибатларга олиб келувчи бошқа чоралар) қилишга йўл қўйилмаслиги; 15) қонунчиликнинг ноқулай ўзгаришинидан қафолатланиш.

ЭИЗларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга нисбатан белгиланган турли режимлар тадбиркорлик субъектлари учун ўзига хос кафолатлар тизими сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бунда тадбиркорлик субъектлари “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида белгиланган кафолатлар билан бирга, ЭИЗлар тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган қўшимча кафолатлардан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, ЭИЗ тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шундай ҳудудки, бу ҳудуд одатдаги тадбиркорликка қараганда муайян ҳаракат, фаолият ва сарф-харажат учун кўпроқ даромад олиш имкониятини яратади. Бироқ бу ҳудудда ҳаракат қилиш ва унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муайян ўзига хос шартлари мавжуд бўлишини, аввало бу ҳудудда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунда назарда тутилганидек, капитал олиб кирилиши лозимлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бу эса тадбиркорлар учун ўзига хос таваккалчилик ҳамда муайян сармояни у ёки бу соҳага жалб этиш каби фаолиятни талаб этади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг махсус ҳудуди сифатида эркин иқтисодий зоналарни қуйидагича тавсифлаш мумкин: эркин иқтисодий зоналар – мамлакат ва чет эллик инвесторлар, тадбиркорлик субъектлари томонидан капитални, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш йўли билан имтиёзли режимлар ва қулай ҳамда ҳар томонлама соддалаштирилган тартиботлар асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилган аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

ЭИЗларга нисбатан ифодаланган мазкур тавсиф уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус ташкил этилган ва одатдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қараганда имтиёзли тартиботни назарда тутадиган жой эканлигидан келиб чиқади ҳамда ЭИЗда тадбиркорлик фаолияти ўзига хос хусусиятларга эгаллигини назарда тутати.

1.2. Эркин иқтисодий зоналар муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асосларига умумий тавсиф

Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналарни яратиш чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатнинг келажагдаги ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини тараққий эттириш, мамлакатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг самарали ва истикболли йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мамлакатлар нафақат турли хил хусусиятларга ва белгиларга эга бўлган эркин иқтисодий зоналарни яратиш, балки уларни келгусида самарали фаолият кўрсатиши ва мамлакат иқтисодиётини ривожланишга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши учун турли чора ва тадбирларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар.

Эркин иқтисодий зоналарни самарали фаолият кўрсатишининг энг асосий омилларидан бири уларга хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишдан иборат. Мазкур эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестициялар айланиши, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилиши натижасида жаҳон бозорларида ҳаридоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқариш тармоқлари такомиллаштирилади ва ушбу иқтисодий зоналар жойлашган ҳудуд ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланади, товар ва хизматлар экспортини ошириш учун чет эллик инвесторлар билан қўшма ҳамкорлик ишлари фаол йўлга қўйилади, ички бозорга юқори сифатли товар ва хизматларни етказиш даражаси оширилади, илмий-техник айрибошлаш, янги технологиялар жалб этилади, замонавий инфратузилма яратилади, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кенгайди шунингдек, ушбу иқтисодий маконлар ташкил этилган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади.

Мамлакатимизга ва унинг ҳудудларида бунёд этилаётган эркин индустриал – иқтисодий маконга ва махсус индустриал зоналарга хорижий

сармояларни жалб этишнинг энг зарур шартларидан бири солиқ, молиявий ва бошқа имтиёзларга эга бўлган, ўзида пухта ҳуқуқий базани мужуссамлаштирган қулай инвестиция муҳитининг яратилиши бўлиб ҳисобланади. Хозирга келиб Ўзбекистон Республикасида Навоий вилоятида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, Ангрен шаҳрида “Ангрен” махсус индустриал зонаси, Жиззах вилоятида “Жиззах” махсус индустриал зоналари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Юқори санаб ўтилган “Навоий”, “Ангрен” “Жиззах”, эркин иқтисодий зоналарида ҳар томонлама қулай инвестиция муҳити кундан-кун қарор топмоқда, чунки мазкур иқтисодий маконларда хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун комплекс имтиёзларни ўзида мустаҳкамлаган, инвесторларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қила оладиган қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Улардан бири Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни¹ ҳисобланади. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради. Ушбу Қонун чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашади, чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаб беради.

Мамлакатимиздаги ўзига хос хусусиятга эга бўлган эркин иқтисодий зона ҳудудидаги инвестицион фаолиятни ҳуқуқий тартибга соладиган навбатдаги норматив ҳуқуқий ҳужжат “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонун² ҳисобланади. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл

¹ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 86-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда)

² Ўша манба

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларини белгилайди ва шакллантиради, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияларининг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сонли Қарори¹ асосида тасдиқланган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида Низоми² ва “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тўғрисида Низом³ ҳам инвестициялар фаолиятини тартибга солувчи навбатдаги норматив ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Чунки, мазкур низомда инвестициялар бўйича йирик ҳажмдаги инвестиция имтиёзлари мустаҳкамланган. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасирнинг 2013 йил 15 майда қабул қилинган 130-сонли Қарори асосида қабул қилинган Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва «Жиззах» маҳсус индустриал зонаси қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом⁴ ҳам инвестиция соҳасидаги ўзига хос норматив ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизнинг Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида бунёд этилган ва самарали фаолият кўрсатиб келаётган “Ангрен” маҳсус индустриал зонасида амалга ошириладиган инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрельдаги ПФ-4436-сонли “Ангрен” маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги Фармони⁵ ва Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ангрен” маҳсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил

¹ www.lex.uz

² Ўша манба

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 189-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 256-модда

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 16-сон, 177-модда

этиш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори¹ асосида қабул қилинган «Ангрен» махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низоми мисол келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида мамлакатимиз бўйлаб қолаверса, серкуёш Ўзбекистонимизда самарали фаолият олиб бораётган ўзига хос хусусиятга эга бўлган эркин иқтисодий маконларда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва хорижий инвесторларга янада имтиёзлар бериш мақсадида кўплаб Фармон ва Қарорла қабул қилинмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрельда қабул қилинган ПФ-4434-сонли тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Фармони², 2014 йил 7 апрельда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-4609-сонли Фармонларининг қабул қилиниши Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилилганлиги, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланганлигидан далолат беради.

Маълумки чет эл инвестицияларини ҳуқуқий тартибга солишда давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида кўплаб давлатлар билан битимлар тузган. Мазкур битимларни тузишдан кўзланган асосий мақсад хорижий сармояларни национализация ва экспроприация қилинишидан ҳимоя қилиш, хорижий сармоядорларга ўз даромадлари ва капиталларини чет элга ҳеч қандай қийинчиликсиз ва тўсқинликсиз ўтказиш шароитини таъминлайди. Юқорида санаб ўтилган қатор қулайлик ва кафолатлар хорижий инветсорларни

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 22-сон, 243-модда; 2013 й., 35-сон, 469-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда

мамлакатимизда ташкил этилаётган эркин индустриал – иқтисодий зонага, махсус индустриал иқтисодий зонага сармоя киритишлари учун яна бир ишончли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки бугунги кунда инвестицион муносабатларни ривожлантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш яъни мазкур соҳадаги мавжуд норматив ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб қоидаларини, энг муҳими, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли қафолотларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши ҳозирда кенг қўламли истиқболли бунёдкорлик ишлари, йирик иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган, Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа хорижий мамлакатларнинг йирик ишлаб чиқариш компаниялари билан биргаликда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жоҳан бозорларида харидоргир бўлган “Навоий” эркин – индустриал иқтисодий маконига, “Ангрен” махсус индустриал зонасига ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш бўйича яратилган мисли кўрилмаган имтиёз ва қулайликларнинг ҳажми янада кенгаяди ва мазкур соҳада пухта қонунчилик асослари яъни, инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг барча жиҳатларини тўла қамраб олган қонунчиликнинг миллий тизими юксак даражада тараққий этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармонларида Ўзбекистон Республикасида инвестициявий муҳитни такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топди.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш, рухсат этувчи тартиб-таомиллардан ўтиш ва лицензия олиш билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ислохотларни амалга оширишдан кўзда тутилган асосий мақсад тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришдан иборат. Республикадаги барқарор ривожланишнинг зарур шартларидан бири ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш эвазига эришилаётган инвестициявий фаоллик саналади.

Айтиш керакки, бизнесни ривожлантириш йўлида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бугунги кунда 54,6% фоизга, мазкур соҳада жами саноат маҳсулотларининг - 43,8%, экспорт - 31,8% , сармояларда - 38,3% фоизга етгани иш билан банд аҳолининг 77,8 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга бевосита сармоялар киритаётган хорижий инвесторлар учун янада қулай инвестициявий муҳит яратиш, республика ҳудудларига замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, чет эллик инвесторлар ва хорижий капиталга эга корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Инвестициявий фаолият тўғрисида”, “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва ҳукумат қарорлари шаклида қабул қилинган бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг негизи саналади.

Чет эллик инвесторнинг пул шаклидаги улуши камида 5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган хорижий инвестициялар иштирокида қайта ташкил этилаётган корхоналар солиқ қонунчилиги ўзгарган тақдирда давлат рўйхатидан ўтган вақтидан 10 йил давомида юридик шахслар фойдасидан олинadиган солиқ, қўшимча қиймат солиғи (товарлар, ишлар ва хизматлар савдоси бўйича айланма), мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солинадиган солиқ, ягона ижтимоий солиқ, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл фонди ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш Фондига тўланадиган мажбурий тўловларни давлат рўйхатидан ўтган санасида амал қилган меъёрлар ва қоидаларга асосан қўллаш ҳуқуқига эга.

Юқорида келтирилган имтиёзларга қўшимча равишда Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги **“Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонида мувофиқ, хусусий мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган бўлиб, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Хусусан, чет эл инвестициялари иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига инвестициялар ҳажмидан қатъий назар 2017 йилнинг 1 январидан эътиборан беш йил давомида улар рўйхатдан ўтган санада амал қилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ресурс ва божхона тўловларидан ташқари) ставкаларини қўллаш ҳуқуқи тақдим этилади.

Ушбу Фармонда **“кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни эрта огоҳлантиришга эътибор қаратилган ҳолда тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва олдини олиш самарадорлигини ошириш”** каби масалалар

давлат органлари учун энг муҳим устуворлик ва биринчи даражали вазифаси сифатида белгиланган.

Мазкур мақсадларда давлат органлари, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларига қуйидаги топшириқлар берилган:

ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансabdор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш.

Мазкур меъёр давлат органлари томонидан маъмурий, интизомий ёки жиноий жавобгарликнинг энг кескин чораларини қўллаш билан бир қаторда тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарни бевосита айбдор ишчилардан ундирилишини тақозо этади.

Республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилади. Мазкур имтиёз инвестиция қилинган маблағ қийматидан қатъий назар хорижий инвестицияларга эга барча корхоналарга таъсир қилади.

“Электрон ҳукумат” тизмини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини тезкор ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатининг алоқасиз шакллари кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар комплекси белгиланган. Хусусан, дастурда “ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига хизматлар тақдим этишга доир ягона марказлар

орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармоннинг амалда татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига оид асосий омил сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш бўйича белгилаб берилган йўналишнинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шунингдек, 2016 йил 26 октябрда **“Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонга ҳам имзо чекди. Ушбу ҳужжатда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш, шунингдек уларни “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналар деб аташ кўзда тутилган.

Бундай қарор Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Учта эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш;

- маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

- эркин иқтисодий зоналарда «ягона дарча» тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш;

- ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

- олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш. Эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

- ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

- ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш.

Ушбу имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ доллагача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

- 3 миллион АҚШ долларида 5 миллион АҚШ доллагача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

- 5 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ доллагача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга;

- 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади.

Қўшимча равишда, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун жорий этилган тартибга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари:

- эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

- эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари – резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини

ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида белгиланишича, қуйидагилар «Ургут» ЭИЗ, «Ғиждувон» ЭИЗ, «Қўқон» ЭИЗ ва «Ҳазорасп» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

маҳаллий хомашё ва материаллар негизида мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш.

Шунингдек Фармонда белгиланашича, «Ургут» ЭИЗ, «Ғиждувон» ЭИЗ, «Қўқон» ЭИЗ ва «Ҳазорасп» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик уни узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади ҳамда фаолият кўрсатиш муддати мобайнида «Ургут» ЭИЗ, «Ғиждувон» ЭИЗ, «Қўқон» ЭИЗ ва

«Ҳазорасп» ЭИЗ ҳудудларида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режими амал қилади.

2-Боб. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишга оид шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар

2.1. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестиция киритишнинг шартномавий тартиби

Бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра аввало, тарафлар ўртасидаги муносабатлардан, уларнинг хоҳиши ва иродасини эркин ифодалашларидан келиб чиқади. Демак, шартномалар тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Шартнома ҳуқуқий тартибга солиш воситалари тарафларнинг манфаатларини ва тенг ҳуқуқлилигини таъминловчи муҳим юридик воситалардан бири ҳисобланади. Шундай экан, эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектларининг шартнома тузиш тартиби ва асосларини таҳлил қилиш, мақсадга мувофиқ.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектлари шартномавий муносабатларга киришишда бир қатор қонуний талабларга эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолияти субъектлари шартнома тузишларида бир қатор ҳолатларга эътибор қаратишлари лозим бўлади. Аввало, шартномаларнинг ҳақиқий саналишига доир қоидаларга эътибор қаратилади. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, битимларнинг ҳақиқий саналашини учун қуйидаги шартларга жавоб бериши:

биринчидан, битимларнинг мазмуни қонунга ва қонун асосида чиқарилган актларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;

иккинчидан, битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

учинчидан, битимлар кўриниш учунгина тузилмай, балки чиндан ҳам юридик оқибат туғдириш мақсадида тузилган бўлиши;

тўртинчидан, нотариал гувоҳлантириши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган битимлар ҳақиқий саналмаслиги ҳавфи остида қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилиши керак¹.

Эркин иқтисодий зоналарда шартнома тузувчилар шартнома тузиш лаёқатига эга бўлишлари лозим. Шартнома тузиш лаёқати турли субъектларда турлича кузатилади. Масалан, фуқароларда ҳуқуқ ва муомала лаёқати билан боғлиқ бўлса, юридик шахсларда махсус ва универсал ҳуқуқ лаёқати билан боғлиқ. Шартнома тузиш лаёқати унинг оқибатини англаш лаёқатидан иборат. Бу лаёқатга фуқаролар 18 ёшдан, юридик шахслар эса субъект сифатида давлат тамонидан эътироф этилгандан сўнггина эга бўладилар.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Аввало, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати универсал ва махсус лаёқатдан иборат². Нодавлат тижоратчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатидан кенгроқ бўлиб, умумий (универсал ҳуқуқ лаёқати) характерга эга ва улар, гарчи таъсис ҳужжатларида белгиланмаган бўлса-да, қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фуқаролик муносабатига киришишлари мумкин.

Эркин иқтисодий зоналарда шартнома тузувчи субъектлар шартномаларнинг қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилган бўлишига эътибор қаратишлари керак³. Маълумки, битимлар оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши лозим. Ёзма шаклнинг оддий ёзма, нотариал тасдиқланадиган ва давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этадиган шакллари мавжуд. Айнан ушбу расмийлаштириш шартларига риоя этилиш ушбу ҳолат-да талаб этилмоқда.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2006. –108 б.

² Гражданское право. Учебник. 6-е изд./ Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой Т.1.-М.: Проспект. 2003.-152 с.

³ Царева Л.В. Договор об условиях деятельности в СЭЗ // Бюл. нормативно-правовой информ. - 2002. - № 37. - С. 16 - 20.

ФКнинг 109-моддасига асосан битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазму-нини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тас-диқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Тарафлар битимнинг тузилганли-гини, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар. Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Шартномани нотариал тасдиқлаш ФКнинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади¹.

Хорижий инвестицияларнинг энг кенг тарқалган турларига капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларини киритиш мумкин.

Капитал инвестиция жумласига асосий фондларни вужудга келтирувчи ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ишлаб чиқаришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялар жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари”. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 2 сентябр.

неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Хорижий инвестициялар кўламига қараб халқаро доирадаги, яъни халқаро инвестициялар кўринишига ҳам эга бўлади. Халқаро инвестициялар – жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳаракатда бўлган инвестициялардир.

Инвестицияларни хорижга чиқариш, уларнинг мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳаракати замонавий жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралиб турувчи хусусиятларига айланди.

Инвестицияларни четга чиқариш жаҳон хўжалигидаги товарларни четга чиқариш монополиясини тугатди. Ҳозирги вақтда халқаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30% дан ошади. Бу кўрсаткич жаҳон савдоси ўсиши суръатларидан деярли 5 маротаба ортиқдир. Халқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган захираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига, ҳамда давлатлараро ҳаракатда бўлади.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисидаги миллий қонунларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестиция молиявий, моддий, ақлий (интеллектуал) турлари ажратиб кўрсатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бор. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, вексельлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда шунга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкӣ шуқуқлар шаклидаги инвестициялар ақлий меҳнатга оид

шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарисиди ва унинг ташқарисиди турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин.

Инвестициялар мақсадларига кўра ялпи ва соф инвестицияларга ажратилади. Ялпи инвестициялар – бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни қўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни қўшади. Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратилади.

Ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасидаги нисбатга қараб иқтисодиётнинг аҳволи қандай эканлигини, яъни юксалиш, ё турғунлик ёки пасайиш даврини бошидан кечираётганлигини аниқлаш мумкин. Агарда, ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ, яъни соф инвестиция юқори бўлса, иқтисодиёт юксалишда бўлади, чунки унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади.

Шу боисдан инвестор сифатида тан олинадиган шахслар доирасини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Биринчидан, шахсни инвестиция ҳуқуқи субъекти сифатида тан олиш унга инвестиция ҳуқуқи нормаларида белгиланган муайян ҳуқуқ ва имтиёзлар берилишига боғлиқ. Иккинчидан, инвестор ёки бошқа инвестиция ҳуқуқи субъекти мақоми рўйхатга олишда, хўжалик фаолиятини амалга

оширишга рухсат беришда муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, агар шахс инвестор сифатида тан олинса, унга нисбатан қонунда назарда тутилган кафолатлар ва бошқа шартлар татбиқ қилинади¹.

Инвестиция жараёни кўп режали фаолият бўлиб, унда кенг доирадаги субъектлар иштирок этади. Инвестиция жараёнининг асосий шахси бўлиб инвестор ҳисобланади. Инвесторнинг ҳуқуқий мақоми мураккаб бўлиб, унинг характерли жиҳати бўлиб, унда инвестиция сифатида фойдаланиладиган маблағларнинг мавжудлиги, Инвестиция фаолият билан шуғулланиш имконияти, мавжуд маблағларни киритишга доир қарорлар қабул қилиши, инвестиция объектларини ўз хоҳишига кўра танлаши ҳисобланади².

М.М.Богуславскийнинг кўрсатишича, “жисмоний ва юридик шахслар инвестициявий ҳуқуқий муносабатларга киришар экан, улар чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг алоҳида доирасига кириб бораётганлигига, бу эса бошқача тартибга солишни келтириб чиқаришига яъни, ушбу муносабатлар бошқа юрисдикция остида бўлишига эътибор қаратишлари зарур. Инвестиция фаолияти субъектлари ҳақидаги масала халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ ва давлатнинг миллий ҳуқуқи билан тартибга солинади”³.

А.Г.Богатыревнинг таъкидлашича, кўриб чиқиладиган муносабат субъектлари бўлиб “инвесторлар – моддий (товарлар ва хизматлар) ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, кенгайтириш ёки модернизация қилишга, шунингдек инфратузилмаларга маблағлар мулкдори (ҳар қандай шаклдаги инвестициялар) томонидан киритилган шахслардир”⁴.

¹ Инвестиционное право с комментариями. <http://en.bridge-capital.ru/publications/33>

² Ковешников М. Е. Правовое регулирование иностранных инвестиций в Российской Федерации. – М.: Норма, 2001. – С.14.

³ Богуславский М.М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. – М., 2006. – С. 18.

⁴ Богатырев А.Г. Инвестиционное право. – М.: Российское право, 2022. – С. 22.

С.С.Гулямовнинг кўрсатишича, “инвестиция фаолияти субъектлари инвестиция қонунчилиги ва инвестиция шартномасида мустаҳкамланган ваколатлар доирасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, чет эллик инвесторнинг ҳуқуқий ҳолати – бу махсус қонунчиликда назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисидир”.

Инвестиция ҳуқуқи субъекти – инвестиция фаолиятини амалга оширувчи ва муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар эга бўлган шахс бўлиб, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати инвестиция қонунчилиги нормалари асосида белгиланади ҳамда амалдаги қонунчилик билан рухсат берилган муайян инвестиция соҳаларидаги объектларга инвестиция киритиш бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш ва юридик мажбуриятларни бажара олиш лаёқатига эга бўлади.

Инвестиция ҳуқуқининг асосий субъекти бўлиб инвесторлар ҳисобланади, улар омонатчи, буюртмачи, кредиторлар, харидорлар шунингдек, инвестиция фаолиятининг ҳар қандай иштирокчиси функциясини бажарувчи ролида бўлиши мумкин. Бироқ, инвестиция ҳуқуқи мазкур субъектининг ҳуқуқий мақоми унинг миллий–давлатга тегишлилиги, ташкилий–ҳуқуқий шакли ва инвестицияни амалга ошириш соҳаси билан фарқланади.

А) Давлат инвестициявий муносабатлар субъекти сифатида. Маълумки, давлат халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти саналади; давлатга унинг мавжудлиги фактига кўра, халқаро ҳуқуқ субъектлиги мансуб. Давлат ҳокимият ва бошқарув аппаратида, ҳудудларга, аҳолига ва асосийси, суверенитетга эга.

Ўз ваколатхоналари учун чет элда мол–мулк олиши, чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар билан мулкӣ хусусиятдаги битимлар тузиши, чет

¹ Гулямов С.С. Правовое регулирование иностранных инвестиций в Республике Узбекистан: Дисс...канд.юрид.наук. – Т.: 2002. – С. 57.

элда очилган меросни қабул қилиши билан давлат халқаро–хусусий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этади.

Давлат фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда ушбу муносабат иштирокчилари билан тенг асосларда иштирок этади.

Фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар томонидан махсус ваколат берилган бошқа органлар иштирок қилади.

Давлат ўзининг фуқаролик–ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол–мулк билан жавоб беради (Фуқаролик кодексининг 79–моддаси).

Шунингдек, ФКнинг 1178–моддасида давлатнинг чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлардаги иштироки назарда тутилади.

Юқоридагиларга асосан таъкидлаш лозимки, давлат нафақат халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти, балки турли фуқаролик–ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳам ҳисобланади. Шу жумладан, у чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик–ҳуқуқий муносабатларда иштирок этади ва мазкур ҳолатда у суверенлик хусусиятини тўлиқ сақлаб қолади, яъни тўлақонли мустақил саналади ва қуйида кўрсатиладиган истиснолардан ташқари бошқа давлатга ва унинг органларига бўйсунмайди.

Мулк шаклларида ва фаолият туридан қатъи назар, инвесторлар инвестиция фаолияти амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Инвестицияланиши қонун билан чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари, ҳар қандай объектга инвестициялар киритиш инвесторнинг мутлоқ ҳуқуқи ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

Инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида, танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Давлат тегишли ҳуқуқий муносабатларда чет эл фуқароларига сотиладиган давлат заёми, облигацияларини чиқаришда тараф сифатида иштирок этиши мумкин. У концессия шартномаларида ва умуман давлат томонидан чет эллик хусусий компанияларга концессия тақдим қилишда вужудга келадиган муносабатларда иштирок қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Концессиялар тўғрисидаги” қонуннинг 5–моддасига кўра, концессиявий ҳуқуқий муносабат субъектлари бўлиб:

- концессия органлари - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган давлат бошқаруви органи, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари;

- концессиячи - концессия шартномаси тузилган чет эллик инвестор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги “Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисидаги” қонуннинг 4–моддасига кўра, ушбу келишув тарафлари сифатида:

-Ўзбекистон Республикаси (бундан буён матнда давлат деб юритилади). Унинг номидан битимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган иштирок этади;

-конларни аниқлаш, кидиришга ва фойдали қазилмаларни қавлаб олишга ўз маблағларини, қарзга олган ёки жалб этган маблағларини (мол-мулкни ва (ёки) мулкый ҳуқуқларини) киритаётган инвесторқатнашади.

Чет элда элчихоналар учун биноларни қуришда, ер участкаларини ёки уй жойларни ижарага олишда давлат мулкый муносабат субъекти сифатида иштирок этади. Мазкур ҳолатда битим у ёки бу давлатнинг элчихонаси томонидан тузилади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунинг 4-модданинг бешинчи хатбошисидаги **“чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари”** сўзларини **“Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар”** сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Бунга асос сифатида чет элларда доимий яшайдиган жисмоний шахслар айна вақтда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эканлигини инобатга олган ҳолда, уларни чет эл инвесторлари сифатида кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланмаслигини кўрсатишни ўзи кифоя. Шу билан бирга ушбу таклиф асосида фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан аниқлик киритиш мумкин бўлади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонун 5-моддасининг биринчи қисми тўртинчи хатбошисидаги “шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини” сўзларини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, қарз мажбуриятлари қимматли қоғозларни бир тури ҳисобланади. Шу боис, мазкур хат бошида уни алоҳида таъкидлаб кўрсатишни зарурияти йўқ, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, республика ҳудудида

эмиссия қилинмаган қимматли қоғозлар (вексель, депозит сертификати ва бошқалар) амалда бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари дейилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторларнинг даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлари ҳамда уларга доир ҳуқуқлари, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлари, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ва ҳудудий органлари, давлатлараро битимлар ва бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар, чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ва уюшмалар, чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин.

2.2. Эркин иқтисодий зоналарга муддати инвестиция киритиш шартномасининг субъектлари ва объектлари, шартноманинг мазмуни

Маълумки, бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра аввало, тарафлар ўртасидаги муносабатлардан, уларнинг хоҳиши ва иродасини эркин ифодалашларидан келиб чиқади. Демак, шартномалар тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Шартнома ҳуқуқий тартибга солиш воситалари тарафларнинг манфаатларини ва тенг ҳуқуқлилигини таъминловчи муҳим юридик воситалардан бири

ҳисобланади. Шундай экан, эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектларининг шартнома тузиш тартиби ва асосларини таҳлил қилиш, мақсадга мувофиқ.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектлари шартномавий муносабатларга киришишда бир қатор қонуний талабларга эътибор қаратишлари лозим бўлади. Аввало, шартнома тушунчасига тўхталадиган бўлсак, М.Брагинский, В.Витрянский шартномалар тушунчасини аниқ-лашда энг аввало қонун ва шартнома ўртасида нисбатни аниқлаб олиш шарт, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг кўрсатишларича ушбу масалада уч хил нуқтаи назар мавжуд. “Эрк-ирода назарияси” тарафдорларига кўра, шартнома тарафлар эрки иродаси бирламчи, қонун эса ёхуд эрк иродага қўшимча ёхуд унга чекловчи вазифани бажаради. “Қонун устуворлиги” назариясига кўра, шартнома қонундан ҳосила бўлган ҳуқуқий самара беради ҳолос. Эмпирик назарияга кўра тарафларнинг эрки иродаси онгли равишда фақат муайян иқтисодий самарага қаратилган ва айни вақтда бунда шартноманинг оқибатлари уни рўёбга чиқариш воситаси сифатида фикр қилинади ва бу ҳақда тарафлар аниқ тасаввурга эга бўлмасликлари ҳам мумкин ва амалда шундай бўлади ҳам. Қонун ҳам шартнома ҳам тартибга солувчи вазифани бажаради. Бироқ бунда қонун нормаси билан шартнома шартлари ўртасида иккита муҳим фарқ мавжуд:

1) шартнома тарафларнинг эрк изҳори бўлса, ҳуқуқ нормаси – уни қабул қилган органнинг эрк иродаси изҳори ҳисобланади;

2) ҳар иккаласининг амал қилиш доираси ҳам турличадир: шарт-нома фақат унинг тарафлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва шартномада иштирок этмайдиган шахсларга асло таъсир кўрсата олмайди норматив ҳужжат эса, одатда, барча учун ёки муайян гуруҳ субъектлар учун тааллуқли бўлади¹.

М.Брагинский, В.Витрянскийларнинг фикрича, халқаро шартномалар ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ўртасида фақат зоҳирий ўхшашликлар

¹ Брагинский М., Витрянский М. Договорное право. –М.: Статут, 2007. -9-б.

мавжуд ҳолос, шу сабабли фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни уларга нисбатан ҳатто субсидиар (қўшимча, ёрдамчи) манба сифатида ҳам қўллаб бўлмайди¹. ФКнинг 2-моддаси 5-қисмига кўра, муайян ҳолатларда меҳнат-ҳуқуқий, оила-ҳуқуқий, табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳитни химоя қилиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича нормаларни қўллаш мумкин.

ФКнинг 9 бобида (битимлар) назарда тутилган икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФКнинг 353-моддаси 2-қисми). Ушбу нормада шартнома ва битим ўртасидаги нисбат берилган. Ушбу нисбат қадимги Рим цивилистларини “ҳар қандай шартнома битимдир, бироқ ҳар қандай битим шартнома эмас”, деган маталида яққол ифодаланган². Битимлар доира-си шартнома доирасига нисбатан кенгрокдир. Бир тарафлама битим-лар ҳеч қачон шартнома ҳисобланмайди. Айни вақтда икки ва ундан ортиқ тарафлар эрки иродаси бир йўналиш бўйича кетган, бир объектга йўналтирилган бўлмаса (масалан, эр-хотин васиятномаси), шартнома тусини олади. Битим – бу ҳаракат. Агар бир неча субъектлар ҳаракатлари муайян доирада учрашса (тўқнашса эмас) ва ўзаро келишув тусини олса, у шартнома шаклига киради. Кўп томонлама битимларни шартнома сифатида эътироф этиш фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишни соддалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунда битимлар тўғрисидаги жуда кўп нормаларни шартномалар тўғрисидаги нормаларда айнан механик равишда такрорлашга ҳожат қолмайди. Тўғри, айрим муаллифлар битим ва шартнома ўртасида муайян фарқлар мавжудлигига ҳам урғу берадилар. Масалан, Б.Пучинский “шартноманинг роли ва функцияси анъанавий равишда тушуниладиган битимга нисбатан анча кенг, шартнома нафақат ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди, балки субъектлар томонидан мазмуни келишувда мужассамланган муайян предметли ҳаракатларни содир этишни назарда тутди, шартнома нима рўёбга чиқарилиши лозимлигини ва тарафлар

¹ Брагинский М, Витрянский В. Договорное право. -М.: Статут. 2007. 21-б.

² Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТДЮИ, 2006 йил.

ҳаракатларини содир этишга қандай юридик талаблар қўйилишини белгилайди”¹.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолияти субъектлари шартнома тузишларида бир қатор ҳолатларга эътибор қаратишлари лозим бўлади. Аввало, шартномаларнинг ҳақиқий саналишига доир қоидаларга эътибор қаратилади. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, битимларнинг ҳақиқий санала-ши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши:

биринчидан, битимларнинг мазмуни қонунга ва қонун асосида чиқарилган актларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;

иккинчидан, битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

учинчидан, битимлар кўриниш учунгина тузилмай, балки чиндан ҳам юридик оқибат туғдириш мақсадида тузилган бўлиши;

тўртинчидан, нотариал гувоҳлантириши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган битимлар ҳақиқий саналмаслиги ҳавфи остида қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилиши керак².

Эркин иқтисодий зоналарда шартнома тузувчилар шартнома тузиш лаёқатига эга бўлишлари лозим. Шартнома тузиш лаёқати турли субъектларда турлича кузатилади. Масалан, фуқароларда ҳуқуқ ва муомала лаёқати билан боғлиқ бўлса, юридик шахсларда махсус ва универсал ҳуқуқ лаёқати билан боғлиқ. Шартнома тузиш лаёқати унинг оқибатини англаш лаёқатидан иборат. Бу лаёқатга фуқаролар 18 ёшдан, юридик шахслар эса субъект сифатида давлат тамонидан эътироф этилгандан сўнггина эга бўладилар.

Фуқаролик кодекси бўйича фуқаро 18 ёшга тўлса ва ақли расо бўлса, у тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлади. 18 ёшга тўлмаган фуқаро вояга етмаган деб топилади ва у тўлиқ муомалага лаёқатсиз ёки қисман муомалага лаёқатли деб топилади. Вояга етмаган фуқаро билан вояга етган фуқаро ўртасидаги

¹ Қаранг. Гражданское право. Учебник. Т.2. Е.А.Суханов таҳрири остида. –М.: Бек. 2013. –42 б.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2009. –108 б.

фарқ биологик-жисмоний, юридик, психологик мезонлар билан белгиланади. Муомала лаёқатига эга бўлиш, бу турли хил юридик ҳаракатларни шахсан амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш: шартномалар тузиш, ишончномалар бериш шунингдек, келтирилган мулкӣ зарарлар, шартнома ва бошқа мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлиш демакдир.

С.Вагацуманинг фикрича, муомала лаёқати бу – мустақил ва тўла равишда битимларни тузиш лаёқатидир¹. Ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, шартнома тузиш лаёқати бу муомала лаёқатининг таркибий қисми ҳисобланади. Фуқароларнинг муомала лаёқатининг даражасига қараб, қонун ҳужжатлари фуқароларга турлича шартнома лаёқатини юклайди.

ФКнинг 29-моддасига асосан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

- 1) майда маиший битимлар;
- 2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;
- 3) қонунӣ вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

ФКнинг 27-моддасига асосан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқӣ ҳисобланади.

¹ Вагацума С. Гражданское право Японии. –М.: 2003. –47 б.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

- 1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;
- 2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;
- 3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;
- 4) майда маиший битимларни ҳамда ФКнинг 29-моддасида назарда тутилган бошқа битимларни тузиш.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкый жавобгар бўла-дилар. Бундай вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун белгилан-ган тартибда жавобгар бўладилар.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Аввало, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати универсал ва махсус лаёқатдан иборат¹. Нодавлат тижоратчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатидан кенгроқ бўлиб, умумий (универсал ҳуқуқ лаёқати) характерга эга ва улар, гарчи таъсис ҳужжатларида белгиланмаган бўлса-да, қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фуқаролик муносабатига киришишлари мумкин.

Эркин иқтисодий зоналарда шартнома тузувчи субъектлар шартномаларнинг қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилган бўлишига эътибор қаратишлари керак. Маълумки, битимлар оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши лозим. Ёзма шаклнинг оддий ёзма, нотариал тасдиқланадиган ва давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этадиган шакллари мавжуд. Айнан

¹ Гражданское право. Учебник. 6-е изд./ Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой Т.1.-М.: Проспект. 2003.-152 с.

ушбу расмийлаштириш шартларига риоя этилиш ушбу ҳолат-да талаб этилмоқда.

ФКнинг 109-моддасига асосан битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазму-нини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тас-диқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Тарафлар битимнинг тузилганли-гини, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар. Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Шартномани нотариал тасдиқлаш ФКнинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар шартномавий муносабатларга ўз эрк иродаларини эркин билдириш йўли билан ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда эркин равишда киришадилар. Қонун бу борада тарафларга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди. Аввало ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган бўлиши мумкин.

Эркин иқтисодий зонада фаолият юритувчи субъектлар товарлар, ишлар ва хизматларга буюртмалар бериши, иккинчи тараф эса, тегишлича товарлар етказиш бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш бўйича муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Шуни қайд этиш лозимки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш уч босқичда амалга оширилади:

I босқич – “Навоий” ЭИИЗ маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) томонидан “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида жойлаштиришга инвесторларни танлаш;

II босқич – “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси билан “Навоий” ЭИИЗда жойлаштиришга танловдан ўтган инвестор ўртасида “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) келишиш ва тузиш;

III босқич - қонун ҳужжатларида назарда тutilган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектларни "Навоий" ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритиш.

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади. Ўтказилган танлов натижалари бўйича "Навоий" ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун Маъмурий кенгашнинг ижобий қарорини олган инвесторлар инвестициялаш тўғрисидаги битимни келишиш ва тузиш учун “Навоий” ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиладилар.

Инвестициялаш тўғрисидаги битим “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси ва инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади ҳамда:

инвестициялар объекти ва ҳажми, “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолият турлари;

инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатлари ва шартлари;

инвесторнинг қуйидагилар:

инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг кафолатланган даражаси ва маҳсулот сифати, ўзи ишлаб чиқарган товарларни ва ишлар

(хизматларни) экспорт қилиш ҳажми, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва техника хавфсизлиги, мол-мулкни суғурта қилиш ва жавобгарлик, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа жиҳатлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

“Навоий” ЭИИЗ дирекциясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш устидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

инвестор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

жойлашиш жойи ва ажратиладиган ер участкаси ўлчами;

инвестициялаш тўғрисидаги битим шартларига риоя қилинмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

инвестициялаш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битимни тўхтатиш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битимдан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойига доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Инвестициялаш тўғрисидаги битимда инвестиция лойиҳасининг ўзига хослигига қараб бошқа шартлар, шу жумладан, қуйидаги шартлар бўлиши мумкин:

ишлаб чиқариш, муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларидан бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича инвесторнинг мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект ходимларини ўқитиш бўйича инвесторнинг мажбуриятлари.

Инвестициялаш тўғрисидаги битимни тайёрлаш учун инвестор "Навоий" ЭИИЗ дирекциясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси;

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун Маъмурий кенгашнинг ижобий қарори нусхаси;

лойиҳанинг бизнес-режаси нусхаси.

Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончилиги ва ҳақиқийлиги учун жавоб берадилар. Инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси ва бошқа материаллар “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси томонидан улар олинган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Зарурият бўлганда “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг айрим қоидалари бўйича ваколатли давлат органларининг ҳулосасини сўраши мумкин. Бунда инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳасини кўриб чиқишнинг умумий муддати ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган муддатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Зарурият бўлган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидаларини келишиш мақсадида “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси билан инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилиши мумкин.

Инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестициялаш тўғрисидаги битимда белгиланган муддатга ва “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси фаолият кўрсатишидан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Инвестор билан “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси ўртасида инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестор томонидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектга “Навоий” ЭИИЗ қатнашчисининг гувоҳномаси берилган санадан бошлаб кучга киради.

Инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши:

инвестициялаш тўғрисидаги битим тузилган муддат тамом бўлгандан кейин;

шахс “Навоий” ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда;

“Навоий” ЭИИЗ муддатидан олдин тугатилган тақдирда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

Инвестор инвестициялаш тўғрисидаги битим имзоланган пайтдан бошлаб 10 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи органга у томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвесторлар томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш инвесторнинг ихтиёрига кўра:

инвесторнинг ўзи томонидан;

шартнома асосида – “Навоий” ЭИИЗ дирекцияси ёхуд бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилгандан кейин инвестор томонидан “Навоий” ЭИИЗ дирекциясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

“Навоий” ЭИИЗ қатнашчиси реестрига киритишга ариза;

юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

“Навоий” ЭИИЗ қатнашчиси сифатида Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда рўйхатдан ўтказилганлик учун тўлов тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

“Навоий” ЭИИЗ дирекцияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида икки иш кун ичида мобайнида хўжалик юритувчи субъектни “Навоий” ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритади ва “Навоий” ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномасини беради.

“Навоий” ЭИИЗ дирекцияси “Навоий” ЭИИЗ қатнашчилари реестрига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб бир кун муддатда ўз ҳудудида жойлашган давлат солиқ ва божхона хизмати органлари бўлинмаларига хўжалик юритувчи субъект “Навоий” ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

“Навоий” ЭИИЗ дирекцияси томонидан бериладиган “Навоий” ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномаси хўжалик юритувчи субъектлар “Навоий” ЭИИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади.

Таъсис ҳужжатларида қайд этилган “Навоий” ЭИИЗ қатнашчисининг устав фонди қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирилиши керак.

“Навоий” ЭИИЗ қатнашчилари ишлаб чиқариш дастурларини мустақил шакллантирадилар ва ўзлари ишлаб чиқарган ўзлари тўлиқ тасарруф қиладиган маҳсулотларни (ишлар, хизматларни) сотадилар, “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар, ишлар (хизматлар) бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

2.3. Эркин иқтисодий зоналарга муддатли инвестициялар киритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

Жаҳон ҳўжалигида ҳозирги кунда бир-бирига хос, лекин номлари турлича бўлган 2000 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 400 таси эркин савдо зоналари, 400 таси илмий-ишлаб чиқариш зоналари, 300 таси ишлаб чиқариб экспорт зоналари, 100 таси эса махсус зоналардан (оффшор марказлар, рекреация зоналари, экологик-иқтисодий зоналар ва туристик зоналардан) иборатдир¹. Бутун дунёдаги ЭИЗларда 70 миллионга яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш борасида ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат амалга оширилмоқда. Бу сиёсат эса давлатимизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилмоқда, мустаҳкам ишончли ҳимоя воситасини яратмоқда.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлик даражасини янада оширишнинг муҳим омили сифатида жаҳон стандартларига жавоб

¹ Назаров Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. – Т.: 2011. – 8 б.

берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифани амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутди. Шу боис бугунги кунда Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Ирландия, Мексика, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жўғрофий ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган.

“1990 йилда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича Халқаро Ассоциация (МАРСЕЗ) томонидан қабул қилинган ҳужжатларга кўра, эркин иқтисодий зона алоҳида ҳудудий бирлик бўлиб, у қоида бўйича мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва ижтимоий ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, молиявий-хўжалик фаолиятни амалга ошириш учун очиқ бўлади. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши бўйича ривожланган давлатларда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, мазкур усулнинг қўлланилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, ижтимоий ҳаётга янги-янги иқтисодий ғояларни татбиқ этишда ўзининг ижобий жиҳатларига эга”¹

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги фармонида асосан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди. Мазкур Фармонда эркин индустриал-иқтисодий зонада хўжалик юритувчиларга татбиқ қилинадиган алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига норезидент фуқароларнинг кириши, ҳудудда бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятининг амалга оширилиши учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши назарда

¹ <http://uza.uz/uz/business/erkin-iqtisodiy-zona-faoliyatining-huquqiy-asosi-07.10.2009-9794>

тутилган. Бунинг учун алоҳида меъёрий ҳужжатлар, яъни эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши ва дирекцияси тўғрисида низом, эркин индустриал-иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида низом, эркин индустриал-иқтисодий зонанинг хўжалик фаолияти қатнашчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудидаги алоҳида божхона режими тўғрисида низом, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудига кириш, чиқиш, кетиш, ҳудудда бўлиш ва меҳнатга ёлланганининг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низом, эркин индустриал-иқтисодий зонада алоҳида валюта режими фаолияти тартиби, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби кабилар алоҳида қабул қилиниши белгиланган.

Эркин индустриал иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. Бундан ташқари, эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар хажмига қараб қатор солиқ имтиёзларга эга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда эркин иқтисодий зонани ташкил этишнинг ушбу тури жаҳон амалиётида тўпланган тажрибага тўла мос келади.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилиниб, юқори палата – Сенат томонидан жорий йилнинг 28 августида маъқулланган ҳамда 24 сентябр куни матбуотда расман кучга кирган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эса амалдаги

қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизми, бундай ҳудудда амалга ошириладиган фаолият турлари, эркин иқтисодий зоналарнинг мувофиқлаштирувчи ва оператив бошқарув органларини шакллантириш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари, шунингдек, хўжалик юритувчи эркин иқтисодий зона субъектларини рўйхатга олиш тартиби билан боғлиқ нормаларни юқорида номи зикр этилган Фармон талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутди.

Мазкур қонуннинг “Эркин иқтисодий зонани тузиш” деб номланган 3-моддасига эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилиши, эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек, унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур ҳужжат билан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан амалга оширилиши тўғрисидаги тегишли ўзгартишлар киритилган. 4-моддага биноан эса эркин иқтисодий зонанинг мақоми биринчидан, уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаганидан кейин; иккинчидан, уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган вазифалар бажарилмаганда ва мақсадларга эришилмаганда тугатилиши белгиланди.

“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, эркин ишлаб чиқариш зоналари – тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар бўлиб, ўз ичига экспортга

мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини ва бошқа эркин зоналарни олади. Албатта, эркин ишлаб чиқариш зоналарида иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали истиқболли технологияларни жорий этиш, пировардида маҳаллий хомашёлар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Эркин иқтисодий зонанинг мазкур тури бугунги кунда Осиёнинг 20 га яқин давлатида, Лотин Америкасидаги аксарият давлатларда, шунингдек, Венгрия, Руминия, Буюк Британия, АҚШда учрайди. Эркин иқтисодий зонанинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, эркин ишлаб чиқариш зоналарида алоҳида имтиёзли божхона, валюта ва солиқ режимлари давлат томонидан таъминланади. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилган Фармонга асосан, эркин иқтисодий зона мамлакатимизда илк маротаба индустриал-иқтисодий зона кўринишида ташкил этилди. Энг муҳими, унинг ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланган. Шу боис Қонуннинг 7-моддасида индустриал-иқтисодий зона ҳам эркин ишлаб чиқариш зоналар турларидан бири сифатида назарда тутилди.

Қонуннинг “Эркин иқтисодий зонанинг бошқарув органлари” деб номланадиган 20-моддасида эркин иқтисодий зонанинг фаолияти эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиши билан бир қаторда, эркин иқтисодий зона дирекцияси эркин иқтисодий зонанинг оператив бошқарув органи эканлиги, “Эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши” номли 21-моддаси биринчи қисмида эса Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Эркин иқтисодий зона Маъмурий кенгашининг ваколатлари қаторига эркин иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини амалга

ошириши ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг эркин иқтисодий зона фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам киритилди. Қонуннинг “Эркин иқтисодий зона дирекцияси” номли 24-моддаси “Дирекция юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади”, деган таҳрирдаги биринчи қисм билан тўлдирилди. Бундан ташқари, мазкур моддада эркин иқтисодий зона дирекциясининг ваколатларига эркин иқтисодий зона Маъмурий кенгаши томонидан танлаб олинган инвесторлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини назорат қилишни амалга ошириш; эркин иқтисодий зонани ривожлантириш дастури рўёбга чиқарилишини таъминлаш; эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларининг (юридик ва жисмоний шахсларнинг) рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш; экологик ҳолатни яхшилаш устидан назорат қилинишини таъминлаш кабилар белгиланди.

Шу билан бирга, мазкур моддага терминларни бир хил талқин қилиш ва амалдаги қонунчиликдаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида бир қатор аниқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Қонуннинг “Солиқ имтиёзлари” деб номланувчи 14-моддаси номи ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12- ва 30-моддаларига мослаштирилди. “Корхоналар, муассасалар, ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш” номли 26-моддаси иккинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, “Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда, меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинаётган ходимда қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатлар сақланиб қолади” деган таҳрирда баён этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтиши, агарда улар эркин иқтисодий зона ташкил этилиши пайтида унинг ҳудудида хўжалик

фаолиятини амалга ошираётган бўлсалар, дирекцияга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини тақдим этишлари лозим. Албатта, рўйхатдан ўтказилган юридик ёки жисмоний шахсга дирекция эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар қилади. Бундан ташқари, мазкур модданинг тўртинчи қисмига биноан, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, дирекция эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ёки жисмоний шахснинг фаолиятини тугатиш ҳамда унга берилган гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Замонавий жаҳон ҳўжалигининг ривожланиши шароитида мамлакатлар миқёсида ЭИЗлар сонининг ўсиб бориши натижасида уларнинг экспорт салоҳияти ва яратилаётган иш ўринларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатларга кириб келаётган валюта тушумларининг ва бандлик кўрсаткичларининг ошишига олиб келмоқда.

ЭИЗларнинг ташкил этилиши қайси мамлакатда бўлишидан қатъий назар макро ҳамда микроиқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Макроиқтисодий сиёсатда, яъни иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш тизимида, пул муомаласи ва эмиссиясига, товарлар ва хизмат кўрсатиш турларининг экспорт ва импорт қилишга, чет эл капитали қўйилмаларининг миқдорига, валюта курсининг ҳаракатига, ташқи савдо ва тўлов механизмларини ташкил этишга ўз таъсирини кўрсатади¹.

ЭИЗ тушунчаси илмий адабиётларда турли хил таърифлар билан изоҳланади. Жумладан Б.И.Исмаилов ЭИЗларга қуйидагича таъриф беради: “ЭИЗ – бу хорижий инвестицияларни, ривожланган техника ва технологияларни, замонавий бошқарув тажрибасини кенг миқдорда жалб қилиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этиш мақсадида

¹Негматов С.Қ. Навоий индустриал-иқтисодий минтақаси шаклланишининг иқтисодий географик ва табиий шарт-шароитлари: иқт. фан. номз. дис. ... – Т.: 2012. – 7 б.

ташқил қилинган, инвестиция, ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятга кенг диапазонда стимул бўлиб хизмат қиладиган юқори даражадаги ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар жорий қилинган, аниқ белгиланган маъмурий чегарага эга бўлган ҳудуддир”¹.

ЭИЗ тушунчасига С.С.Мирзалиева – “мамлакат (ёки мамлакатлар) ҳудудининг муайян ижтимоий, иқтисодий, технологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида барпо этиладиган, махсус маъмурий бошқарувга ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимида эга бўлган қисмидир”² деб таъриф беради.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси эса қуйидагича таъриф берилган: эркин иқтисодий зоналар – давлатлараро келишувга ёки махсус қонунларга мувофиқ, жўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлардир³.

Россия Федерациясининг олимлари С.В.Приходько, Н.П.Воловикларнинг фикрига кўра, “ЭИЗ иқтисодий депрессия ҳолатидаги ҳудудларни жонлантириш учун татбиқ қилинадиган давлат сиёсатининг фаол чора-тадбири, воситасидир деб изоҳлайдилар”⁴.

Баъзи адабиётларда ЭИЗни мамлакатнинг эркин иқтисодий зоналарга оид қонун ҳужжатлари билан тадбиркорлик фаолияти субъектларига махсус иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шарт-шароитлар тақдим этиш мақсадида ташқил қилинган махсус ҳудудидир деб таъриф берилади.

Юқорида келтирилган таърифларнинг моҳиятидан кўриниб турибдики “Эркин иқтисодий зона” тушунчасига берилган изоҳларнинг асосий мазмуни бир хил. Яъни мазкур тушунчага таъриф беришда ҳар бир муаллиф эркин

¹ Исмаилов Б.И. Теоритическая проблемы правового регулирования специальных экономических зон: дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: 1997. – 21 с.

² Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Диссертация автореферати. / С.С.Мирзалиева. Тошкент-2001. – 8 б.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ – Қизилқум. Таҳририй ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005 – 249 б..

⁴ Батафсил қаранг: Особые экономические зоны / С.В.Приходко, Н.П.Воловик; Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канада. агентство по междунар. развитию и др. – М.: ИЭПП, 2007. – 4 б.

иқтисодий зоналарнинг асл мақсадидан, ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ёндашган. Бизнинг фикримизча ҳам бу тўғри ёндашувдир. Демак, эркин иқтисодий зона – бу инвестицияларни жалб қилиш, юқори техника ва технологияларни, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув методларини жалб қилиш, провардида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадида, тадбиркорлик субъектиларига шу жумладан инвесторларга ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий имтиёзлар ҳамда кафолатлар тадбиқ этиладиган, мамлакатнинг аниқ маъмурий чегара билан ажратилган ҳудудидир.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуннинг 9¹-модда сифатида қуйидаги моддани киритиш лозим: “Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш тўғрисидаги эркин иқтисодий зона маъмурий кенгаши билан тузиладиган битим фуқаролик ҳуқуқий табиатга эга ва тарафлар юридик жihatдан тенг деб эътироф этилиши, эрк-ироданинг эркин изҳор қилиниши, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мулкий мустақиллиги тамойилларига асосланиши лозим. Эркин иқтисодий зоналарда муайян турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тўғрисидаги келишув эркин иқтисодий зона резидентлари томонидан тадбиркорлик, шу жумладан инвестиция фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни вужудга келиш ва тартибга солувчи ташкилий фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади”.

2. Эркин иқтисодий зона резидентлари томонидан ижарага олинган ер участкаларини сотиб олиш тартиб мавжуд бўлиши ва бундай ҳуқуқ муайян муддатдан сўнг вужудга келиши ҳақида норма мавжуд бўлиши лозим. Қонуннинг 17-моддасига 4-қисм сифатида қуйидаги моддани киритиш лозим: “Эркин иқтисодий зона ҳудудида эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан ижарачилар учун ер участкаларини тақдим қилиш ҳамда улар томонидан қурилган кўчмас мулкларни сотиб олиш ҳуқуқи ушбу объектлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади. Бироқ, ушбу ҳудуд ер участкасини ижарага олиш шартномаси тузилгандан сўнг уч йил муддат ўтганидан сўнг вужудга келади”.

3. Қонуннинг 11-моддасига 3-қисм сифатида қуйидаги моддани киритиш лозим: “Эркин иқтисодий зонада муайян турдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги келишувнинг амал қилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тугатилган ҳолларда, шунингдек,

эркин иқтисодий зона маъмурий кенгашининг ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги шартномани тузишдан бош тортиши натижасида эркин иқтисодий зона резидентига етказилган зарар тўлиқ қопланади”.

4. “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган банклар, молия-кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги муайян кўрсатмалар мавжуд эмас. Маълумки, банклар, молия-кредит ва суғурта ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш мамлакатимизда ўзига хос алоҳида тартибда амалга оширилади. “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунда эса мазкур жиҳатлар инобатга олинмаган. Шу сабабли мазкур Қонуннинг 25-моддаси 1-қисмига қуйидаги қўшимча ўзгартишни киритиш мақсадга мувофиқдир:

эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтади. Банклар, молия-кредит ва суғурта ташкилотлари бундан мустаном.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”
Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й. Т.8. - 105 бет.

2. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т. “Ўзбекистон” 2009й. 37-бет.

3. И.А.Каримов “2015 й илда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир“

4. И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида, Ўзбекистон, 1995 йил, 115-бет.

5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – б-15.

6. Каримов И.А. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006.

7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – б-52.

8. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси** // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь, №239 (5659).

9. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир/ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
// Халқ сўзи. 2014 йил 6 декабрь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида сўзлаган нутқи. 18.01.2014 йил.

II. Норматив ҳужжатлар:

1. 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2014. – 41 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004. - 496 б.

4. Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига шарҳлар. 1-жилд / М.Раҳмонқулов, И.Анортоев умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. - 504 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II-жилд (биринчи китоб) / Х.Р.Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. - 432 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II-жилд (иккинчи китоб) / Х.Р.Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. - 646 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III-жилд / Х.Р.Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. - 384 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Хориждан маблағ жалб қилиш

тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси,1996 й., 9-сон,126-модда.

10. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Маэлиси Ахборотномаси,1997й.,2-сон,35- модда.

11.Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси,1997й.,2-сон,54-модда.

12.Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1998. - 5-6-сон. - 91-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси,1998й.,5-6-сон,-92-модда.

14.Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -2014. - 1-сон. - 14-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1998. - 9-сон. - 170-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 6-сон, 70-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилнинг 2 августидаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 30-31-сон, 232-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги қарори билан тасдиқланган “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 30-31-сон, 232-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 4-сон, 45-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 март, ПФ-4516-сон Фармони «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» Фармони (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 151-модда*).

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 май «Жиззах» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (*Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 256-модда*)

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони. (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 478-модда; 2011 й., 9-сон, 84-модда; 2012 й., 3-4-сон, 26-модда*)

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрель «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» 2014 й, 163-модда, 15 (619)-сон.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

III.Махсус адабиётлар:

1. <http://uza.uz/uz/business/erkin-iqtisodiy-zona-faoliyatining-huquqiy-asosi-07.10.2009-9794>

2. Madani D. A. Review of the Role and Impact of Export Processing Zones. Washington, 1999. P. 5; Idem. Export Processing Zones // PREM-notes. Economic Policy. 1998. N 11.

3. Амирханов М. М., Барзыкин Ю. А., Чуваткин П. П. и др. Свободные экономические зоны и развитие туризма. Сочи, 2006. С. 12.

4. Бахтин С.И. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в свободных экономических зонах России и оффшорных зонах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006. – 3 с.

5. Благов Д.А. Правовое регулирование отношений в сфере осуществления предпринимательской деятельности на территории особых экономических зон Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.:2010. - 9 с.

6. Богатырев А.Г. Инвестиционное право. – М.: Российское право, 2022. – С. 22.

7. Богуславский М. М. Международное частное право. М., 2012. - С. 205.
8. Богуславский М.М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. – М., 2006. – С. 18.
9. Брагинский М., Витрянский М. Договорное право. –М.: Статут, 2007. -9-б.
10. Вагацума С. Гражданское право Японии. –М.: 2003. –47 б.
11. Гражданское право. Учебник. 6-е изд./ Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой Т.1.-М.: Проспект. 2003.-152 с.
12. Гражданское право. Учебник. Т.2. Е.А.Суханов тахрири остида. – М.: Бек. 2013. -42 б.
13. Гулямов С.С. Правовое регулирование иностранных инвестиций в Республике Узбекистан: Дисс...канд.юрид.наук. – Т.: 2002. – С. 57.
14. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2009. –108 б.
15. Зубов П. К. Административно-правовые основы деятельности органов внутренних дел в условиях свободных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1995. С. 13.
16. Инвестиционное право с комментариями. <http://en.bridge-capital.ru/publications/33>
17. Исмаилов Б.И. Теоритическая проблемы правового регулирования специальных экономических зон: дис. .. канд .юрид. наук. – Т.: 1997. – 21 с.
18. Кабиров Р. Ф. Теоретические основы создания и функционирования свободных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Уфа, 2007. С. 6, 16.
19. Ковешников М. Е. Правовое регулирование иностранных инвестиций в Российской Федерации. – М.: Норма, 2001. – С.14.
20. Лебединец И. Н. Международно-правовые гарантии иностранных инвестиций: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1997. С. 38 - 39.

21. Лисица В. Н. Правовой режим осуществления предпринимательской деятельности в особой (свободной) экономической зоне // Российский юридический журнал. 2010. - № 5. – С. 35.
22. Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Диссертация автореферати. – Тошкент: 2001. – 8 б.
23. Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТДЮИ, 2006 йил.
24. Назаров Г.Г., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. – Т.: 2011. – 8 б.
25. Нгуен Тхань Бинь. Опыт и перспективы функционирования свободных экономических зон (на примере Китая и Вьетнама): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2002. С. 8 – 9.
26. Негматов С.Қ. Навоий индустриал-иқтисодий минтақаси шаклланишининг иқтисодий географик ва табиий шарт-шароитлари: иқт. фан. номз. дис. ... – Т.: 2012. – 7 б.
27. Особые экономические зоны / С.В.Приходко, Н.П.Воловик; Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канада. агентство по междунар. развитию и др. – М.: ИЭПП, 2007. – 4 б.
28. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ – Қизилқум. Таҳририй ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005 – 249 б..
29. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. //Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқ. /Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2002. – 196 б
30. Царева Л.В. Договор об условиях деятельности в СЭЗ // Бюл. нормативно-правовой информ. - 2002. - № 37. - С. 16 - 20.

31. Черкасов К. А. Свободные экономические зоны и зоны свободного предпринимательства в стратегии интеграции стран - участниц СНГ // Журн. рос. права. 1999. N 9. С. 139.

32. Чернявская Ю. А., Рубцова Л. Н. Место и роль особых экономических зон в современных условиях. Липецк, 2007. С. 11 - 12.

33. Швыдак К. Правовое регулирование хозяйственной деятельности в свободных экономических зонах // Право и экономика. 1994. N 17/18. С. 90 - 91.

34. Шумилов В. М. Международное публичное экономическое право: Учеб. пособие. М., 2001. С. 79.